



Халқ сўзи


Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 12 декабрь, № 256 (7214) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



МАМЛАКАТИМИЗ САНОАТИДА МУҲИМ ЯНГИЛИК



Президентимиз жорий йилнинг 29 август куни Тошкент вилоятига амалга оширган ташири давомида ҳудудда олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик лойиҳалар қаторида Бекобод шаҳридаги “Ўзбекистон металлургия комбинати” акциядорлик жамияти фаолияти билан ҳам яқиндан танишган эди. Айтиш жоизки, ушбу ташир мамлакатимизнинг энг йирик ишлаб чиқариш мажмуаларидан бири — “Ўзметкомбинат” жамоаси учун тарихий бўлди. Яъни ўша куни давлатимиз раҳбари жамиятнинг янги Ферроқотишмалар ишлаб чиқариш цехини тантанали тарзда очиб берганди.

Маҳаллийлаштириш дастури — амалда



Ҳақим ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26 йиллиги байрами арафасида эса бу ерда мазкур цехнинг навбатдаги босқичда ферросиликомарганец ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари, жамоатчилик вакиллари, инвесторлар, хорижий мутахассислар, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари жам бўлди.

ҳамкорликда амалга оширилди.

— Шаҳримиз фахри хисобланган комбинатимизда шундай улкан ишга киришилгани барчамизни қувонтирди, — дейди “Фарход” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Комил ота Тошматов. — Сабаби у қанчалик ривожланиб, кенгайса, халқ даромади ҳам, ҳаёти ҳам яхшиланиб бораверади. Мисол учун, айти пайтда бизнинг маҳалламиздаги 439 та хонадонда 2 мингдан зиёд кишилар яшаётган бўлса, уларнинг кўпчилиги шу комбинатда меҳнат қилади. Хали

яна қанча-қанча ёшларимиз бу ерга ишга келишади. Муқим даромад манбаига эга бўлишади.

Чиндан ҳам, мазкур лойиҳанинг иқтисодий таъминоти рағбатдор аҳамияти ниҳоятда юқори. Ушбу маҳсу-

лот металлдаги ортиқча моддалар чиқиб кетишини таъминлаб, мустаҳкамлигини янада оширишга хизмат қилади. Шу пайтгача у бизга хориж давлатларидан келтириларди. Қувонарлиси, бунинг учун зарур квар-

цит ҳамда марганец хом ашёси ўзимизда — Навоий вилоятидаги Кўкпатас ва Қашқадарё вилоятидаги Дауташ конларида мавжуд.



ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Мажбурий меҳнат ва одам савдоси масалалари ҳамкорликда бартараф қилинади

Олий Мажлис Сенатида АҚШнинг одам савдоси мониторинги ва унга қарши курашиш соҳасидаги алоҳида тошриқлари бўйича элчиси Жон Ричмонд билан учрашув бўлиб ўтди.

Томонлар мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ва одам савдосига қарши курашиш юзасидан республикада амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижалари хусусида тўхталиб ўтди.

Парламентнинг Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан жойларда маж-

бурий меҳнатнинг ҳар қандай кўринишига барҳам бериш борасида аниқ, манзилли иш олиб борилди. Айниқса, 2018 йилги пахта йиғим-терими мавсумида кластер усулидан фойдаланишга эътибор кучайтирилгани ижобий самарасини кўрсатди.



Муносабат

ХАЛҚНИНГ РОЗИЛИГИГА ЭРИШИШ

Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштиришдан кўзланган асосий мақсаддир



Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати, самардорлиги ҳамда оммабоплигини тубдан оширишни таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш ва молиялаштиришнинг концептуал жиҳатдан янги моделларини шакллантиришга қаратилган муҳим ҳужжатлардир. Уларда белгилаб берилган чора-тадбирларнинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти ҳақида соҳа мутасаддиларининг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдиқ.



Ислохот

ҚАРШИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕЛЕВИЗОРЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛА БОШЛАНДИ



“Biss electronics system” МЧЖ томонидан тайёрлана бошланган плазма экранли телевизорлар аҳоли эҳтиёжларига мослиги, ҳамёнбоплиги ва сифати билан ажралиб туради.

Президентимиз жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан

яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида ўтган йил 24-25 февраль кунлари Қашқадарё вилоятига ташири чўда аҳолининг маъмурий техник-

калар билан таъминланганлиги турмуш даражасининг асосий кўрсаткичларидан бири эканини алоҳида таъкидлаб, бу борада қилиниши зарур бўлган вазифалар юзасидан кўрсатмалар берган эди.

Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 июлдаги қарори асосида “Biss electronics system” МЧЖ томонидан Қарши шаҳрида умумий қиймати 2 миллиард сўмлик лойиҳа рўйб-га чиқарилди. Йилига 25 минг дон телевизор тайёрлаш қувватига эга бўлган корхонада янги лойиҳа ҳисобига 40 га яқин иш ўринлари яратилди.

— Бу ерда йирилган телевизорларни тест синовларидан ўтказамиз, — дейди цех илҳиси Зухриддин Зокиров. — Ишлаб чиқариш технологияси ва тест синовларини ўргандик. Шундай корхонада меҳнат қилаётганимдан жуда хурсандман. Оила аъзоларим ҳам бехад мамнун.

Таъкидлаш жоизки, “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” бренди остида маҳсулотларни тайёрлаш, аввало, ички бозорни тўлдириб, қолаверса, дунё бозорига чиқишни вазифа қилиб олган “Ўзэлтехсаноат” акциядорлик компанияси ва “Biss electronics system” масъулияти чекланган жамияти томонидан шу кунга қадар 8000 дон телевизор ишлаб чиқарилди.



Судлар томонидан қабул қилинган ҳар бир қарор, энг аввало, адолатли, қонуний ва асосли бўлиши шарт

МАМЛАКАТИМИЗДА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 9 ОЙИ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА КЎРИБ ЧИҚИЛГАН СУД ИШЛАРИ

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛАРДА

28 730 иш кўриб чиқилди

590 киши оқланди ва реабилитация қилинди

2 449 киши суд залидан озод қилинди

1 597 киши шартли равишда ҳукм қилинди



МАЪМУРИЙ СУДЛАРДА

16 567 иш кўриб чиқилди

12 525 нафар фуқаронинг ҳуқуқи тикланди

43 605 кишининг маъмурий ҳуқуқбузарлигига доир

42 978 иш кўриб чиқилди

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛАРДА

171 899 иш кўриб чиқилди

62 657 иш сайёр судларда кўрилди

ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА

323 983 иш кўриб чиқилди

8,8 трлн. сўм моддий компенсация ундириш бўйича ҳукм чиқарилди

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқини ҳимоя қилишга доир

32 097 иш кўриб чиқилиб, улар фойдасига 772,7 миллиард сўм ундирилди.



ДЕПУТАТЛАРНИНГ ЭЪТИРОЗИ ВА ЖИДДИЙ ТАНҚИДИГА УЧРАГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ЯНГИ НОМ БИЛАН ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Аввал хабар берганимиздек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида “2019 йилги бюджет-солиқ сиёсати Концепцияси ва 2020-2021 йилларга прогноз мўлжаллари қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси қизгин муҳокама этилиб, танқидий кўриб чиқилган эди.

2019 йилги бюджет ва солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари Концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган мазкур лойиҳа парламент кўйи палатасининг кўмиталари, фракцияларида бўлиб ўтган муҳокамаларда ҳам, ялпи мажлисда ҳам депутатларнинг бир қатор савол ва эътирозларини келтириб чиқарганди.

Муҳокамалар якунига кўра, ушбу лойиҳа бўйича масъул бўлган Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасига Ҳукумат вакиллари, тегишли вазирлик ва идораларнинг мутахассисларини жалб этиб, депутатлар кўтарган масалаларнинг ечимини топиш топирилган эди.

2018 йил 11 декабрь кунини эса парламент кўйи палатасининг навбатдаги мажлисида ушбу қонун лойиҳаси қайта кўриб чиқилди.

Масъул кўмитанинг қонун лойиҳаси устида олиб борган ишлари

юзасидан ахбороти эшитилди.

Таъкидландики, энг аввало, Ҳукумат томонидан киритилган қонун лойиҳасининг номи унинг мазмунига мослаштирилди, яъни Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилги мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида деб ўзгартирилди.

Қонун лойиҳасида Солиқ кодексининг 22-моддасида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлагандан кейин хусусий корхона мўлждори, оилавий корхона иштирокчиси ҳамда фермер ҳўжалиги ихтиёрида қоладиган даромадларидан олиннадиган дивидендлардан солиқ ушлаш бекор қилиш таклиф этилган эди.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн еттинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлиси эртага, 2018 йил 13 декабрь кунини эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлис залига очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари буғун, 2018 йил 12 декабрь кунини соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойвесида рўйхатта олинади.

ДЕПУТАТЛАРНИНГ ЭЪТИРОЗИ ВА ЖИДДИЙ ТАНҚИДИГА УЧРАГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ЯНГИ НОМ БИЛАН ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Кизгин муҳокамалардан сўнг ишчи гуруҳ томонидан ушбу масала янада чуқур таҳлил қилиниб, тадбиркорликка алоҳида эътибор қаратилиши инobatта олинган ҳолда, амалдаги тартиб сақлаб қилинди. Янги кўрсатиб ўтилган субъектларнинг дивидендига солиқ солишини назарда тутувчи норма олиб ташланди.
Мазкур кодекснинг 681-моддаси — "Солиқ тўловчиларни паспортлаштириш" бўйича депутатлар ва мутахассисларнинг узоқ муҳокамаларидан сўнг, солиқ тўловчиларнинг манфаатларини ҳисобга олиб, ушбу муносабат соддашлатирилди.
Паспортлаштириш жараёнининг даврийлиги белгилаб қўйилди, яъни уни ҳар йили эмас, балки уч йилда бир мартаба ўтказиб белгиланди. Солиқ тўловчиларни паспортлаштириш натижасида тузилган далолатнома солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблашга асос бўлишига доир норма, шунингдек, бу жараёнга ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларини жалб этишга оид норма чиқариб ташланди.
Ушбу Кодексда белгилаб берилган "Мавзули экспресс ўрганишлар", "Хронометраж кўздан кечириш", тафтиш ўтказиш, текшириш сингари солиқ назоратининг шакллари қайтадан кўриб чиқилиб, янада такомиллаштирилди. Уларнинг аниқ субъектларни кўрсатиб ўтилди ва Кодекснинг тўғридан-тўғри амал қилиш устуворлиги таъминланди.
Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини тугатиш билан боғлиқ яқиний текширув фақат ягона солиқ тўлови тўловчиси — якка тартибдаги тадбиркорларга таътиб этилиши аниқ кўрсатиб ўтилди.

Мажбурий меҳнат ва одам савдоси масалалари ҳамкорликда бартараф қилинади

— АҚШ Ўзбекистондаги ишлохотларни, жумладан, мажбурий меҳнатнинг барча шаклига барҳам бериш ва одам савдосига қарши курашишда давлат ҳамда нодавлат ташкилотлар вакиллари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасидаги ҳаракатларни ижобий баҳолайди, — дейди Жон Ричмонд. — Айниқса, болалар, таълим ва соғлиқни сақлаш ходимлари ҳамда талабаларнинг бу ишга оммавий жалб қилинмаганининг амалда гувоҳи бўлди. Улар пахта йиғин-теримиде иштирок этмади. Бу борадаги ишончли саъй-ҳаракатларни биз қўллаб-қувватлаймиз. Яна бир жиҳатга тўхталиб ўтиш жоиз, Ўзбекистон ҳукумати бу бўйича эришилган натижалар билан чеklangиб қолаётгани йўқ. Келгусида қилиниши лозим бўлган ишларни ўз мақсадлари ва режалари қаторида қайд этмоқда. Худди шундай одам савдоси

ПАРЛАМЕНТ ЎЗ ВАКОЛАТЛАРИДАН ҚАНЧАЛИК Фойдаланяпти?

Парламентнинг энг асосий назорат функцияларидан бири қонунлар ижроси устидан парламент назорати саналади. Давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида Олий Мажлис бугунги кунда ушбу йўналишда суи фаолият олиб бораётганини қайд этди. Аини чоғда парламент фаолиятини жонлантириш усуллари вазифа қилиб белгилаб берилди.

маяпти. Шу боис уларга "парламент сўрови" юборилиши мунтазам жорий қилишимиз талаб этилади. Натижаси юзасидан эса халқимизни хабардор қилиб, улар билан фикрлашиб боришимиз керак.

Назорат

Қонуности ҳужжатларини қабул қилиш амалиётидан воз кечиш ва тўғридан-тўғри қўлла-надиган қонунлар қабул қилиши йўлга қўйиш маърузада алоҳида таъкидланди. Бунинг сабаби — халқимизнинг аксарияти қонунлардан хабари бор, лекин мавжуд бўлган минглаб қонун-ности ҳужжатларидан эмас! Шунинг учун давлат идораларига қонунга асосан мурожаат қилган фуқаролар ўзлари кутмаган ҳолда қонуности ҳужжатларида ташкилот манфаатини қўллаб қабул қилинган ҳужжатларга дуч келишади. Бу ҳолат ўрни келганда, юртимизга таширф буюрган чет элликлар, айниқса, хорижий инвесторларнинг ҳам ҳафсаласини пир қилмоқда. Демак, бу борада самарали ишлатилиши зарур. Ўз аҳамиятини йўқотган қонунлар рўйхатини шакллантиришимиз,

илфор халқро тажриблар асосида тўғридан-тўғри амалиётда қўлланиладиган қонунлар қабул қилишимиз лозим. Президент ташаббуси билан парламентда шу йил бошидан яна бир назорат функцияси — "Ҳукумат соати" институти жорий қилинганди. Аинан мазкур механизмдан Қонунчилик палатаси ҳозир ҳам фойдаланиб келаётган, "Ҳукумат соати" аниқ савол-жавоблардан ташкил топган ҳолда, бироқ ундан қонунлар ижроси назоратида тўлақонли фойдалана олмадик. Бу бўйича ҳам ташаббусни қўлга олишимиз зарур. Шунингдек, "Депутат сўрови" институтининг ҳам янада кенроқ ва самарали қўлланилишига эришимиз мақсадга мувофиқ. Очиғини айтиш керак, бугун бу сўровга масъуллар ўз вақтида, батафсил ва асосли жавоб бер-

Яна бир ҳолат. Масъул шахсларнинг қонунлар ижроси юзасидан парламентга ҳисоб бериш учун келмаслиги ҳолатлари ҳам бу борада назоратни самарали ўрнатмаганимизни кўрсатади. Мазкур ҳолатлар ҳисобидан қўллаб депутатларнинг танқидий фикрлари, қатъий позициялари мавжуд бўлса-да, буларнинг барчасини сайловчиларга етказиб бера олмагимиз. Бунинг учун ОАВ билан самарали ҳамкорлик ўрнатилиши зарур. Бундан кейин позицияларни мунтазам ва кенг ёритишимиз шарт. Халқимиз ўз вакилларининг ишлохотлар, хато ҳамда камчиликлар юзасидан муносабатини билсин. Бу эса қонунлар ижроси устидан парламент назорати фаолиятини натижадорликка таъсир қилиб, ижро ҳокимияти масъулларининг ҳам масъулияти орттишига хизмат қилади.

Элдор ТУЛЯКОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты.

ХАЛҚНИНГ РОЗИЛИГИГА ЭРИШИШ СОғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштиришдан қўзланган асосий мақсаддир

вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлиmlарида бошқаруви илгор механизmlарини жорий этиш, жумладан "кластер" моделини шакллантириш. Концепцияда бу мақсадларга эришиш учун амалга оширилиши лозим бўлган қатор чора-тадбирлар белгилаб берилган. Хусусан, соҳанин қонунчилик базаси янада мустаҳкамланади. 2019 йил 1 апрелдан бошлаб республиканин айрим туманларида тиббиёт муассасаларини "ҳар бир даволанган ҳолат" учун уник-ҳаракат гуруҳлари бўйича ва киши бошига молиялаштириш тизими эксперимент тартибда жорий этилади. Ушбу механизmlар 2020 йил 1 апрелдан эътиборан республиканин барча ҳудудда босқичма-босқич таътиб қилиниши мўлжалланган.
Қўллами ишлар белгилаб берилди. Жумладан, юртимизда аёллар ва болаларга шошлинч ҳамда ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни ривожлантириш асосида замонавий скрининг дастурлари жорий этилади. "Она ва бола" ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт мажмуалари ҳамда маълумотлар тизимларини шакллантириш асосида оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш тизими такомиллаштирилади.
Ҳар бир туман тиббиёт бирлашмаларида болалар шифохоналари бўлимида қуну тун ишлайдиган шошлинч постлари ва болалар реанимацияси анестезиология бўлиmlари, виолетларда эса ҳомиладор аёллар, гўдаклар ҳамда болалар учун алоҳида мобил реанимацион бригадалар, болалар нейрорхияларини очиш режалаштирилган. Бу эса аҳоли, айниқса, болаларга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини янада оширишга хизмат қилади.

Депутат фикри

Президентимизнинг тиббиёт соҳасини бутунлай янги босқичга олиб чиқишга оид Фармони ва у билан тасдиқланган Концепция, айтиш мумкинки, соғлиқни сақлаш тизимида туб ўзгаришларга асос бўладиган тарихий аҳамиятга эга ҳужжатдир. Унинг барча бандида инсонга гамҳўрлик тўлуқчиаси амалий чора-тадбирлар билан фойдаланган. Бу менинг ҳаёлимдан ўтган фикрлар эди. Бошқаларнинг муносабати қандай эканлигига қизиқиб, тиббиёт соҳасида ишлаётганлар билан боғландим, фикрларини тингладим. Улар ҳам Фармондан бениҳоя мамнун бўлганликлари, ўзлари ишлаётган жамоаларда шифокорлар кайфияти кўтарилганлигини айтишди.

СОғлиқни сақлаш тизими давр талабига жавоб бериши керак

Шу ўринда халқимизни мазкур Концепция билан соҳада қандай ўзгаришлар кутилаётгани қизиқтириши табиий. Энг аввало, у тизимдаги қўллаб масалаларнинг ҳал этилишида, аини чоғда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳар бир инсоннинг сифатли тиббий хизмат билан қамраб олишини кафолатлашда муҳим ўрин тутди. Бугун юртимизда олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг пировад мақсади ҳам шу аслида. Албатта, бу борадаги ишлар босқичма-босқич, тизимли равишда рўйбга чиқарилади.
Биринчидан, Концепцияга кўра, соғлиқни сақлашнинг концептуал янги модели шакллантирилади. Бунда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда катта муваффақиятларга эришган илфор мамлакатлар тажрибасига асосланган ёндашуларга эътибор қаратилади. Бу жараёнда тармоқни комплекс ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида соҳага оид қонунчилик янада такомиллаштирилади.
Иккинчидан, фуқаролар соғлиқини сақлашда идораларо самарали ҳамкорлик ва алоқалар механизmlарини ривожлантирилади. Бу саломатликка салбий таъсир кўрсатаётган муаммоларни ҳал қилиш, соғлом ва хавфсиз атроф-муҳитни таъминлаш, сув таъминоти ва санитарияни яхшилаш, соғлом овқатланиш, қолаверса, соғлом турмуш тарзини шакллантириш каби комплекс масалалар эътиборда бўлади, дегандир.
Учинчидан, тиббиёт муассасаларининг самарали ин-

МАМЛАКАТИМИЗ САНОАТИДА МУҲИМ ЯНГИЛИК

Комбинатда 2018 — 2020 йилларга мўлжалланган дастур доирасида янги қувватлари ишга тушириш, рақобатдош, экспорттоп маҳсулотлар ҳажмини кўпайтиришга жадал киришилган. Жумладан, дастурга кўра модернизациялаш, инновацион технологияларни жорий этиш ҳисобига прокат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2,3 баробар, пўлат соққалар тайёрлашни 2 баробар, маҳсулот экспортини эса 1,9 баробар ошириш таъминланади.
"Ферросиликомарганец ишлаб чиқаришини ташкил этиш" инвестициявий лойиҳасининг умумий қиймати 23,8 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Объект замонавий энергия тежамкор ускуналар билан жиҳозланган. Улар ёрдамида ойига 800 тонна ферросиликомарганец ишлаб чиқарилади. Йиллик кўрсаткич эса 10 минг тоннадан зиёд. Маҳсулотнинг 6 минг тоннаси комбинат эҳтиёжи учун ишлатилади, минг тоннаси республикамизнинг бошқа

2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш Концепциясига мувофиқ



рункали тарзда молиялаштирилмай қўлишга олиб келаётганди. Тиббиёт муассасалари, айниқса, мамлакатимизнинг чекка ҳудудларидаги шифохоналарининг моддий-техника базаси хаминқадар, янада ачинарлиси, уларда фаолият юритаётган ходимларнинг ҳам билим ва салоҳияти шунга мос қолаётганди. Беморларни қабул қилиш бўйича илгор механизmlарнинг жорий этилганлиги шифокорлар эшиги олдида турнақатор навбатларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлаётгани хеч кимга сир эмас.
Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган ҳужжатлар ана шу муаммоларни тизимли ҳал этиш қўлай, тиббиёт тизимини комплекс ҳолда янги сифат босқичга кўтаришга қаратилган билан аҳамиятлидир.
Президентимиз Фармони билан тасдиқланган 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш Концепцияси мазмун-моҳияти жиҳатидан муҳим дастур ҳисобланади.
Унда унга асосий мақсад яққол кўрилади: биринчиси, аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлигини узайтириш. Бунинг учун касалликларнинг олдини олиш, профилактика ишларини янада кучайтириш ва одамларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатишини жорий этиш. Иккинчиси, соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш механизмининг тубдан такомиллаштириш. Учинчиси, Соғлиқни сақлаш

Лазиз ТҮЙЧИЕВ, Тожик тиббиёт академияси ректори:

— Фармонда тиббий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишининг самарали тизимини шакллантириш, тиббиёт фанини ривожлантириш, жумладан, тиббиёт илмий ҳамда таълим муассасаларида халқаро стандартлар бўйича замонавий дастурлар, усул ва технологияларни жорий этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.
Зеро, тиббий ёрдамнинг самарадорлиги ҳамда сифатини ошириш, таътиб қилиш ва даволашнинг юқори технология усуллари жорий этиш, патронаж хизмати ҳамда диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, касалликларнинг профилактика қилиш, умуман, соҳада амалга ошириладиган барча ишловнинг натижадорлиги билими ва малакали мутахассисларга боғлиқ. Шу маънода тиббий таълим муассасаларида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда масофавий ўқитиш, онлайн конференциялар, телемедицина жорий этиш, соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари ҳамда таътибчиларини тарққий этан чет давлатларда билим ва тажрибаларини бойитиб келиш учун юбориш, халқро ҳамкорлиқни ривожлантириш, таълим дароҳларини замон талабларига мос дарслик ҳамда ўқув қўлламалари билан таъминлаш, талабаларнинг амалиёт ўташларига қўлайликлар яратиш беришга қаратилган муҳим тадбирлар амалга оширилади.
Олиб борилаётган ишлар соҳада сўнгги йилларда тўпланиб қолган тизимли камчилик ва муаммоларни бартараф этишга, натижада тиббий ёрдам сифати аҳолининг истак ҳамда талабларига жавоб беришига ишончимиз комил.

"Халқ сўзи" мухбири Дилшод ҚАРИМОВ ёзиб олди.

ҚАРШИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕЛЕВИЗОРЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛА БОШЛАНДИ

— Давлатимиз раҳбари томонидан берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида янги корхонамизда замонавий телевизорлар тайёрлашни йўлга қўйганимиз, энг аввало, аҳолининг маиший техникага бўлган эҳтиёжини қоллашга хизмат қилади, — дейди корхона раҳбари Сардор Гайбуллаев. — Маҳсулотларимизга ҳозирданок талаб кўпаймоқда. Корхона тўла қувват билан ишлаб бошлагач, маҳсулотнинг асосий қисми экспортга йўналтирилади. Келгусида ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ниятимиз ҳам бор. Кондиционер тайёрлаш лойиҳаси шулар жумласидандир.



Аҳмад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Оқин ҒУЛОМОВ (У-А) олган сурат.

ЧИНГИЗ АЙМАТОВ БЮСТИ ЎРНАТИЛДИ

Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги Қирғизовул худудида жойлашган 33-умумтаълим мактабидан ушбу бюстнинг очилишига бағишланган маросимда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вакиллари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Бадий академия, таълим муассасалари раҳбарлари, кенг жамоатчилик қатнашди.

Тадбир

Маросимда улуг адиб нафақат қирғиз эли, айни пайтда, ўзбек халқи учун ҳам азиз ва қадрили сиймога айлангани таъкидланди. Унинг бетакрор асарлари, қисса ва романлари ўзбек китобхоналари томонидан катта қизиқиш билан ўқилади. Президентимизнинг 2018 йил 2 апрелдаги "Буёқ адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудини 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори улуг ижодкорга юксак

ҳурмат-эҳтиром рамзи сифатида қардош қирғиз халқи билан яқин қўшничилик ва дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашда, адабиёт, маданият соҳасидаги ҳамкорлиқни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Тадбирда таълим муассасаси жамоасига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан Чингиз Айтматов асарлари тўплами ва бадий китоблар совға қилинди.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ғамхўрлик

«ҚЎШИҚ ҚАЛБГА МАЛҲАМ БЎЛАРДИ»

Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Нияз Ғулов хонадонига ташриф буюрган меҳмонлар учун танбурда ўзбек мумтоз кўшиқларидан бирини ижро этиб берди.

— Уқ товушлари тиниб, сукунат чўккан палларда турли миллатга мансуб қуролдошларим кўшиқ хиргойи қилиб беришни сўрашарди, — дея эслади оташарди. — Ғамхўрлик она юртимизни, ёр-биродарларимизни жуда соғинган эдик-да. Кўшиқ ҳуморимизни босандек бўларди. Қуй-қўшиқ қалбимизга малҳам бағишларди. Сизга айтсам, тинчлик — бебаҳо неъмат. Шундай фаровон, тинч замонларга етказганига минг қарра шукр. Айтмоқчи, меҳмонлар — Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий қўлаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, "Маҳалла" хай-

рия жамоат фонди вакиллари отахондан ҳол-аҳвол сўраб, унга ун турдаги кийим-кечак, пойабзал, озиқ-овқат маҳсулотлари, гигиена воситаларини тўхта қилдилар. Вазирлар Маҳкамасининг "1941 — 1945 йиллардаги уруш фахрийларини, шунингдек, фашистлар қонлагерларининг воёга етмаган совиқ маҳбуслари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида амалга оширилган бундай тадбирлар вилоятда давом этмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ЙЎЛ-ЙЎЛАКЎЙ» ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

"Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак". Ушбу ҳаётий ғояни сўзсиз амалга ошириш мақсадида мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилганга бугун роппа-роса бир йил тўлди. Хўш, шу вақт давомида Агентлик томонидан қандай ишлар амалга оширилди? Қўрсатилаётган хизматлардан аҳоли розими? Ютуқлар ва муаммолар нималарда намоён бўлди?

Инфратузилма

Давлат хизматлари агентлиги маълумотларига кўра, шу пайтгача республика бўйича 2011 ана шундай марказ ташкил этилган бўлиб, улар томонидан аҳолига жами 103 турдаги давлат хизматларини қўрсатиш йўлга қўйилган. Шундан 31 таси экспериментал давлат хизмати бўлиб, улар ҳар бир вилоятнинг биттадан туман-шаҳарида қўрсатилади. 2020 йилгача марказлар орқали 160 дан ортиқ шаффоф, қулай ва тезкор давлат хизматларини йўлга қўйиш режалаштирилган.

ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилди, — дейди Давлат хизматлари агентлиги бўлим бошлиғи Бекзод Сафаров. — Натихада фуқаролар томо-

Бугунги замон шиддати эскича ишлаш услубидан воз кечишни талаб қилляпти. Худди шундай давлат хизматлари қўрсатиш соҳасида ҳам. Ана шулар эътиборга олин-иб, замонавий архитектура-қурилиш ечимлари, юқори энергия самарадорлиги,

лари биноларини қуриш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, 159 та ана шундай марказ биносини қуриш учун ер участкаси ҳамда 31 бўш турган бино-иншоотларни ажратиш юзасидан қарорлар қабул қилинди. Шунингдек, 81 марказ биносини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қуриб битказиш ҳамда реконструкция қилиш юзасидан келишувларга эришилиб, шундан 4 тасида қурилиш ишлари бошлаб юборилди.



Динара ШИРКОВА олган сурат.

Давлат хизматлари агентлиги маълумотларига кўра 2018 йилда:




Давлат хизматлари марказларига

иллари хизмат олиш учун бир кунда ўртача 20 — 30 нафар фуқаро мурожаат қилган бўлса,

Жорий йилнинг 11 ойида

республика бўйича 93 068 та сайёр давлат хизматлари қўрсатилди.

Қўрсатилган давлат хизматлари сони



лар ва йирик савдо комплексларида "Йўл-йўлак" давлат хизматлари жорий этиш режалаштирилган. Бундай хизматлар Япония, Жанубий Корея, Бразилия каби ривожланган мамлакатларда самарали йўлга қўйилган.

Умуман, аҳолига сифатли хизмат қўрсатишнинг замирида катта маъно ётади. Зеро, бир турдаги хизматлар минглаб одамларнинг мушқулини осонлаштириб, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайди. Бу эса бугун талаб қилинаётган эзгу мақсадларга қанот бағишлайди.

Р. ОТАМУРОВО.



СУВ ТАЪМИНОТИДАГИ МУАММОЛАР

Тўғри, шу йил 2083 км.дан зиёд сув ва канализация тармоқлари ҳамда 377 та иншоотини қуриш ва таъмирлашга 930,9 млрд. сўм ажратилган. Бироқ бу барча муаммони тўлиқ ҳал этиш учун етарли эмас.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан ана шу муаммоларга ечим топилади. Хусусан, сув таъминоти ҳамда канализация соҳасидаги хизматлар сифати, тармоқ қорихоналари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш, ишончли молиялаштириш манбалари, жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш мақсадида бир қатор устувор йўналишлар белгилаб олинди. Шу мақсадда 2020 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасида сув таъминоти ва канализация соҳасини ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилган бўлди.

ҚАЧОН БАРҲАМ ТОПАДИ?

Таъкидлаш керакки, ишлар тўғри йўлга қўйилса, сув таъминоти ва канализация тармоқларини бошқариш тизимини рентабелли соҳага айлан-

Сув — ҳаёт манбаи, дея кўп гапираимиз. Аммо ундан оқилона фойдаланяпмизми? Бу ҳақда ҳамма бирдек жон куйдиради, деб ҳам айтолмаймиз. Қолаверса, аҳолини ичимлик суви билан тўлиқ таъминлашнинг оқсаётгани, канализация тизимлари таъмирталаб холга келиб қолгани қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Вазият ҳақида кенгроқ тасаввур ҳосил қилиш учун айрим рақамларни келтириб ўтсак. Бугун мамлакат аҳолисининг фақат 65 фоизи ичимлик сувидан, 15 фоизи канализация тизимидан фойдаланиш имкониятига эга. Истеъмолчиларнинг бор-йўғи 43 фоизи ичимлик суви истеъмолини ҳисобга олиш приборлари билан таъминланган. Ичимлик суви тармоқларининг 40, канализация тармоқларининг 27, шунингдек, сув омборлари ва тозалаш иншоотларининг 35 фоизи реконструкцияга муҳтож.



қисмлар ва материаллар олиб келишда божхона тўловларини тўлашдан озод этилди. Яна бир ўзгариш: Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси гидрогеологик ишларини ўтказмасдан ҳамда унинг ер ости ичимлик суви мавжудлиги ҳақидаги таъминоти объектларини қуриш таъқиқлаб қўйилди.

Шунингдек, 2019 — 2021 йилларда ичимлик сувини ҳисобга олишнинг замонавий приборлари ва тегишли ускуналарни харид қилиш ҳамда уларни ўрнатил ишлари ҳам фаоллаштирилди. Юртимизда ушбу соҳа учун малакали кадрларни тайёрлашга ихтисослаштирилган хорижий олий таълим муассасаларининг филиалларини ёки қўшма факультетларини очиб ҳам назарда тутилган.

Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.

ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНING «ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК онлайн-аукцион савдоларига таклиф қилади. 1. «УАЗ 3151210» 1996 йил 25/135 ВАА 0030047 2. «УАЗ 31514010» 1996 йил 25/592 GAA 0030591 3. «УАЗ 31514» 1996 йил 25/124 ВАА 0030588 4. «УАЗ 31514» 1996 йил 25/597 GAA 0030585 5. «УАЗ 31514» 1997 йил 25/593 GAA 0030584 6. «УАЗ 31512» 1997 йил 25/137 ВАА 0030046 7. «УАЗ 31514» 1997 йил 25/125 ВАА 0030593 8. «УАЗ 31512» 1997 йил 25/138 ВАА 0030589 9. «УАЗ 3909» 1998 йил 25/126 ВАА 0030595 10. «УАЗ 31514» 2001 йил 25/140 ВАА 0030582 11. «УАЗ 31514» 2001 йил 25/139 ВАА 0030048 12. «УАЗ 31514» 2003 йил 25/144 ВАА 0030581 13. «УАЗ 315142-017» 2003 йил 25/143 ВАА 0030587 14. «УАЗ 315142-012» 2003 йил 25/142 ВАА 0030578 15. «УАЗ 315142012» 2006 йил 25/129 ВАА 0030583 16. «СИЕЛО» 1994 йил 25/104 ВАА 0030570 17. «ГАЗ 5204» 1988 йил 25/219 LAA 0030045 18. «ГАЗ 2705-34» 2004 йил 25/076 FAA 0030049

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНING «ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК онлайн-аукцион савдоларига таклиф қилади. 1. «УАЗ 396004» 1991 60 465 ВАА 0030055 2. «УАЗ 31514-010» 1996 60 392 UAA 0030050 3. «УАЗ 31514» 1996 60 441 ВАА 0030573 4. «УАЗ 31514» 1996 60 410 ВАА 0030056 5. «УАЗ 3151410» 1996 60 439 ВАА 0030057 6. «УАЗ 3151410» 1996 60 455 ВАА 0030058 7. «УАЗ 31514» 1997 60 449 ВАА 0030574 8. «УАЗ-31514» 2001 60 438 ВАА 0030577 9. «УАЗ 31514» 2001 60 459 ВАА 0030576 10. «УАЗ 39091» 2001 60 424 ВАА 0030575 11. «УАЗ 315142-017» 2003 60 409 ВАА 0030579 12. «DAMAS» 1997 60 447 ВАА 0030040 13. «DAMAS» 1998 60 468 ВАА 0030043 14. «DAMAS» 1999 60 462 ВАА 0030027 15. «DAMAS» 1999 60 467 ВАА 0030054 16. «DAMAS» 2001 60 407 ВАА 0030052 17. «DAMAS» 2001 60 463 ВАА 0030051 18. «ВАЗ 212130» 1995 60 405 ВАА 0030036 19. «УАЗ 31029» 1996 60 109 GAA 0030033 20. «Принц» 1996 60 504 GAA 0030053 21. «Фольксваген» 1997 60 429 ВАА 0030050

Туризм

Жорий йилнинг тўққиз ойида Хоразм вилоятига 90 мингдан зиёд туристлар ташриф буюрди. Бу ўтган йилдагидан қарийб 2 баробар кўпдир.

«Home stay», электромобиллар ва ахборот маркази — сайёҳлар учун қулайлик

Ҳозирги кунда хорижлик ҳамда маҳаллий сайёҳлар учун кенг қулайликлар яратиш ва натижада ҳудуднинг туризм салоҳиятини ривожлантириш ҳамда савҳатчилар оқимини янада кучайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, шубҳасиз, Президентимизнинг жорий йил 29-30 ноябрь кунлари вилоятга ташрифи чоғида билдирган таклиф ва тавсиялари муҳим аҳамият касб этяпти.

Дарҳақиқат, бугун минтақа бой моддий-маънавий мероси ва яратилган инфратузилмалари, халқаро авиарейсларни қабул қила оладиган замонавий аэропорти билан сайёҳларни ўзига жалб этмоқда. Яқинда Урганчдан Хивага темир йўл линиясининг очилиши ҳамда Хива шаҳрида замонавий вокзал ишга туширилиши улар учун янада катта қулайлик яратиши. Қувонарлиси, Буюк Илқ йўли ўтган бу ажойиб заминга келаётган туристларда қаерда тўхташ, миллий таомлардан татиб кўриш, қандай йўналишни танлаш масаласида саволлар деярли пайдо бўлмаган. Зеро, меҳмонхона, кафе ва ресторанлар улар хизматидадир. Хивадаги темир йўл вокзалида ахборот маркази ташкил этилган. У орқали автотранспорт воситалари ижарасидан тортиб, ўтказилаётган маданий дам олиш тадбирларига бугун ҳар қандай зарур маълумотга эга бўлиш, авиа ҳамда темир йўл чипталари нархи ҳақида билиб олиш, меҳмонхона брон қилиш мумкин.

данияти ва урф-одатлари билан яқиндан танишиш имконияти яратилди. Бинобарин, ҳозирги кунда Урганч шаҳри ҳамда туманларда оилавий меҳмонхоналарни ташкил қилиш бўйича 24 та лойиҳа ишлаб чиқилган бўлса, улардан 4 таси амалга оширилди, 3 таси кўриб чиқилмоқда.

«Ичан-Қалъа» давлат музей-қўриқ-хонаси бўйлаб электромобилларда туристик йўналишлар очилгани соҳадаги яна бир янгиликдир. Бу пиёда сайр қилишнинг қулай усулига ҳам айланди.

ларнинг мазмунли ҳордик чиқаришларида муҳим аҳамият касб этяпти. Пировадда улар миллий қадриятлар, ҳудуд аҳолиси маданияти ва удуллари билан бевосита танишишмоқда.

дустрийасининг жадал ривожланиши янги сайёҳлик йўналишларини ўзлаштиришга хизмат қилаётди, — дейди Хоразм вилояти туризмини ривожлантириш департаменти бўлими бошлиғи Райҳон Давлатова. — Улардан бири саннат туризмидир. Шу орқали меҳмонлар объектлар, ишлаб чиқариш ёки махсус муҳандислик иншоотлари билан яқиндан таништирилади, таъбир жоиз бўлса, уларнинг тадқиқотчиликка бўлган қизиқиши қондирилади. Воҳада индустриал турга киририлган янги замонавий корхоналар кўлаб топилди. Келажакда меҳмонларни ўнлаб юқори технологияли саннат корхоналари жойлашган «Хазорасп» ЭИЗ фаолияти билан таништиришни ҳам режалаштирганмиз. Богот, Хива, Хазорасп, Шовот, Урганч туманлари ва Амударё соҳилларида эса экотуризм изчил ривожланмоқда.

Гавҳар ДУРДИЕВА, Хоразм Маъмун академияси лаборатория мудири, архитектура фанлари доктори:
— Президентимиз Хива шаҳрида туризмин янада ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар, бу борада амалга оширилган ишлар билан танишиш жараёнида Маъмун академияси фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Ушбу илм масканига хорижлик сайёҳларни жалб қилиш, бу ерда юртимиз қадимий цивилизация марказларидан бири экани, давлатчилик ананалари ҳақида тўлиқ маълумот оқ этган лойиҳаларни рўёбга чиқариш юзасидан таклифлар билдирилди. Фаолиятимизни шу асосда ташкил этсак, албатта, мақсадада эришамиз, яъни бу ерда келувчи сайёҳлар сони бир неча баравар кўпаяди.

Давлатназар РАЖАБОВ, «Улли ҳовли» сайёҳлик мажмуаси раҳбари:
— Тарихдан маълумки, Хивага темир йўли олиб келишни ўз даврида Феруз, Исломуҳжа каби маърифатпарвар боболаримиз орзу қилишган. Уларнинг эзгу ниятлари орадан йиллар ўтиб бугун рўёбга чиқди. Қиймати 35,9 миллион АҚШ долларига тенг бўлган Урганч — Хива темир йўли ва Хива шаҳрида замонавий вокзал биноси фойдаланишга топширилди. Бу ерда сайёҳлар учун барча қулайлик яратилган. Президентимиз фаоллар йиғилишида хорижликларни янада кўпроқ жалб этиш юзасидан таклиф ҳамда тавсияларини билдирди. Бу бежиз эмас. Хиванинг сайёҳлик имкониятлари жуда баланд. Энди барчамиз ҳамжиҳат бўлиб, ана шу салоҳиятни тўлиқ юзага чиқариш йўлида тинмай меҳнат қилишимиз, изланишимиз, ўз фаолиятимизда янгиликлар ва инновацияларни мунтазам жорий этиб боришимиз зарур.

Умуман, воҳада туризм жабҳасини янада ривожлантириш учун умумий қиймати 152 миллиард сўмлик 85 та лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш мўлжалланяпти. Туристлар оқими йилдан-йилга ўсиб бораётганини инобатга олиб, келгусида яна 14 та меҳмонхона, 11 меҳмон уйи қурилади, 16 та сайёҳлик автобуси ва микроавтобус сотиб олинади, янги иш ўринлари яратилади. Зеро, экспертларнинг прогнозига кўра, келгуси йилнинг ўзидек ҳудудга келадиган туристлар сони камида 40 — 50 фоиз ўсади.

Одилбек ОДАМБОЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.



- ✓ Воҳада туризм жабҳасини янада ривожлантириш учун келгусида умумий қиймати **152 миллиард сўмлик 85 та** лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш мўлжалланяпти.
- ✓ Хусусан, яна **14 та** меҳмонхона, **11** меҳмон уйи қурилади, **16 та** сайёҳлик автобуси ва микроавтобус сотиб олинади.
- ✓ Экспертлар прогнозига кўра, келгуси йилда ҳудудга келадиган туристлар сони камида **40 — 50 фоиз** ўсади.



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

XALQ BANKI

Акциядорлик тижорат Халқ банки

сервер ускуналарига
комплекс техник хизмат кўрсатиш бўйича
танлов эълон қилади.

Молиялаш манбаи: Халқ банкининг ўз маблағлари ҳисобидан.
Бошланғич нархи — 400 000 АҚШ доллари.
Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Қатортол кўчаси, 46-уй, АТ Халқ банки.
Тел.: 71-120-17-24, 71-120-17-48.

Танлов шартлари бўйича батафсил маълумотни махсус ахборот портали — xarid.uz сайтдан (лот № 9041003) ва www.xb.uz сайтдан, шунингдек, душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ҳамда телефонлар орқали олиш мумкин.

Танлов таклифларини қабул қилиш учун масъул шахс: У. Маматкулов.
Таклифларни бериш якунланадиган сана ва вақти: 2019 йил 5 январь, соат 18.00.

Танлов комиссиясининг таклифларни очиш бўйича йиғилиши ўтказиладиган сана ҳамда вақти: 2019 йил 7 январь, соат 16.00.

Хизматлар лицензияланган.

XALQ BANKI

Акциядорлик тижорат Халқ банки

лотерея билетларини тайёрлаш
(етказиб бериш билан бирга) бўйича танлов эълон қилади.

Молиялаш манбаи: Халқ банкининг ўз маблағлари.
Танлов 4 лотдан ташкил топади:

Лот	Номланиши	Бошланғич нархи, АҚШ долл.
1	«Имкон» пул ютуқли лотерея билетларини тайёрлаш ва етказиб бериш (2, 3, 4 ва 5-разрядлар)	280 000,00
2	«Омад қуши» пул ютуқли лотерея билетларини тайёрлаш ва етказиб бериш (2-разряд)	350 000,00
3	«Тилла хумча» пул ютуқли лотерея билетларини тайёрлаш ва етказиб бериш	350 000,00
4	«Автомат» пул ютуқли лотерея билетларини тайёрлаш ва етказиб бериш	90 000,00

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Қатортол кўчаси, 46-уй, АТ Халқ банки.
Тел.: 71-120-17-24, 71-120-17-48.

Танлов шартлари бўйича батафсил маълумотни махсус ахборот портали — xarid.uz сайтдан (лот № 9041000) ва www.xb.uz сайтдан, шунингдек, душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ҳамда телефонлар орқали олиш мумкин. Танлов таклифларини қабул қилиш учун масъул шахс: У. Маматкулов.

Таклифларни бериш якунланадиган сана ва вақти: 2019 йил 5 январь, соат 18.00.

Танлов комиссиясининг таклифларни очиш бўйича йиғилиши ўтказиладиган сана ҳамда вақти: 2019 йил 7 январь, соат 15.00.

Хизматлар лицензияланган.

РОССИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МЕТАЛЛ ПРОКАТ КЎЙИДАГИ АССОРТИМЕНТДА ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДА МАВЖУД:

РУХЛАНГАН ЎРАМЛАР
0,40 x 1250 — 9 800 000 сўм/тонна
0,45 x 1250 — 10 205 000 сўм/тонна
0,70 x 1250 — 10 040 000 сўм/тонна

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПЎЛАТ
RAL 3003, 3005, 3009, 6005, 8017
0,45 x 1250 — 12 690 000 сўм/тонна
RAL 3005, 6005, 8017
0,50 x 1250 — 12 535 000 сўм/тонна

ИССИҚ ПРОКАТДАН ҚИЛИНГАН ЛИСТЛАР
1,8 x 1000 x 2000 — 8 650 000 сўм/тонна
1,8 x 1250 x 2500 — 8 630 000 сўм/тонна
2,8 x 1250 x 2500 — 8 135 000 сўм/тонна

Шунингдек, бурортма бўйича ҳам ишлаймиз.
Кенг асортиментда металл прокат.
Тўлов шакли — нақд пулсиз.
E-mail: stal-invest@inbox.uz
Тел. 95-475-00-65

Хизматлар лицензияланган.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

Беларусь Республикаси

Расмий дистрибьютор
Тошкентдаги омбордан
таклиф этади.

Тел.: 93-555-00-95,
93-555-12-88,
71-291-68-94.

www.maz.by
E-mail: maztashkent@mail.ru

Махсуслот сертификатланган.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1245. 71 717 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Ташрифта келган қўлзмаалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета ташрифт компьютер марказида терминал ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик ахдатдан сифатини чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Тошхўжаев.
Навбатчи — Р. Шеркулов.
Мусахҳач — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.25 Топширилди — 22.25 2 3 4 5 6